

Илмий раҳбар: и.ф.н доцент Исмоилова Н.  
магистратура бўлими “Давлат молиясини боқариш” (5A230601-  
“Давлат молиясини бошқариш”) мутахасислиги

I-босқич талабаси, 1985 йилда туғилган, миллати ўзбек,

**Эргашев Санжарбек Дадакузиевич** нинг

“Кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятини  
ривожлантиришнинг молиявий дастаклари”

мавзусидаги диссертация ишига

---

Бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг самарали ижросига ижобий таъсир этишни таъминлаш мамлакатимиз доирасида олиб борилаётган туб иқтисодий ислохотларда устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Шу боисдан, мен “Кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг молиявий дастаклари” мавзусидаги илмий ишимда ҳозирги кунда муҳим муаммолардан бири бўлган мамлакатимиздаги аҳоли зич жойлашган ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ялпи ҳудудий махсулот ҳажми ортишини, янги иш ўринлари, кўшимча даромад манбааларини яратилиши ва бандлиликни таъминлаш масаласига катта эътибор қаратмоқчиман.

Илмий ишимда иқтисодий – ижтимоий ислохотларнинг амалиётга тадбиғини қафолатлабгина қолмай, балки аҳолимиз турмуш фаровонлигини янада юксалишига ўзининг муносиб хиссасини кўшиш натижасида миллий иқтисодиётимиз салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилган ғоялар илгари сурмоқчиман.

Жамиятнинг эркинлашуви шароитида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамиятини ёритиб, кичик бизнес субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар ва таклифлар тизими бериб алоҳида аҳамият касб этувчи илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқмоқчиман.

Институтда таҳсил олишимнинг дастлабки кунлариданоқ ўз билим савиямни янада кенгайтириш мақсадида илмий изланиш соҳасига устозларим билан астойдил ҳаракат қилдим. Институт профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда бир нечта илмий мақолалар тайёрлаб, Республика миқёсидаги конференцияларда ўз маърузалари билан қатнашдим.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтиришда касб-хунар коллежларининг ўрни” мавзусида 2010 йил 20-22 апрелда Нукус шаҳрида,

“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ сиёсатини такомиллаштириш” мавзусида 2010 йил 14 майда Термиз шаҳрида, “Ёшларда ижодий интилишга қизиқишни шакллантиришнинг муаммо ва ечимлари” мавзусида 2010 йил 19-20 майда Тошкент шаҳрида, “Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ортиришнинг бош омили” мавзусида 2010 йилда Тошкент шаҳрида, “Вилоятда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари” мавзусида 2010 йилда Андижон шаҳрида, “Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини юксалтириш” мавзусида 2011 йил 23 февралда Тошкент шаҳрида, “Финансово – кредитная политика Турции развития малого бизнеса” мавзусида 2011 йил Андижон шаҳрида, “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” 2011 йил 25 мартда Андижон шаҳрида, “Development of small business in Japan” мавзусида 2011 йил 25 март Андижон шаҳрида, “Касб-хунар коллежларида давоматни яхшилашнинг айрим масалалари” мавзусида 2011 йил 5-8 апрель Тошкент шаҳрида, “Маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини такомиллаштириш йўллари” мавзусида 2011 йил 6 апрелда Тошкент шаҳрида, “Вилоятда кичик бизнес субъектларини кредитлаштириш масалаларини такомиллаштириш” мавзусида 2011 йил 7 апрелда Тошкент шаҳрида, “Ғазначилик - давлат молияси ислохотларнинг энг асосий йўналиши сифатида” мавзусида 2011 йил 9 апрелда Тошкент шаҳрида, “Ўрнак - ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ортиришнинг бош омили” мавзусида 2011 йил 27 апрелда Тошкент шаҳрида, “Банк хизматларини олиб бориш ва ташкил қилишда маркетинг ҳамда рекламанинг аҳамияти” мавзусида 2011 йил 6 майда Тошкент шаҳрида, “Банк фаолиятини ишончлилигини бошқариш ва назорат қилишнинг хориж тажрибалари” мавзусида 2011 йил майда Тошкент шаҳрида, “Вилоятда инновацион фаолиятни ривожлантириш: Муоммо ва ечимлар” мавзусида 2011 йил 27 апрелда Тошкент шаҳрида, “Аҳоли зич жойлашган ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни тартибга солиш” 2011 йил 3 мартда Тошкент шаҳрида, “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ сиёсатини такомиллаштириш” мавзусида 2011 йил апрелда Андижон шаҳрида, “Бозор муносабатлари қарор топиши шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни” мавзусида 2011 йил апрелда Андижон шаҳрида, “Таннархни пасайтириш аҳоли реал фойдаланган даромадларини оширишнинг бош омили” мавзусида 2011 йил майда Наманган шаҳрида, “Вилоятда ғалла экин майдонларидан оқилона фойдаланиш самараси” мавзусида 2011 йил майда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманларда тингланган ва бу анжуманлар якуни ёритилган нашрларда чоп этилган.

Бу мақолаларда Республика ҳукуматининг доимий диққат марказида турган ва энг долзарб ҳисобланган аҳоли зич жойлашган ҳудудларда кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ялпи худудий махсулот хажмини ортириш, янги иш ўринларини, кўшимча даромад яратишни ва бандлиликни таъминлашни янада ривожланишини такомиллаштириш масалалари юзасидан янгича иқтисодий концепциялар тўғрисида мулоҳаза юритилган, таклифлар ишлаб чиқилган.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароит яратиб бериш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мустақилликнинг дастлабки кунларидан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатидаги энг устивор долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Мақолаларида ана шу ғоят муҳим масаланинг такомиллаштирилиши лозим бўлган турли жиҳатлари ва бошқа муаммоли томонлари ҳамда уларни ҳал этиш йўллари ёритишга ҳаракат қилинган ва бунга эришилган.

Кичик бизнес корхоналар инновацион фаолияти ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида куйидаги вазифаларни ечилишини лозим деб ҳисоблайман:

Биринчидан: Вилоятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2013 – 2016 йилларга мўлжалланган худудий дастурларини ишлаб чиқиш. Бу ерда “2013 – 2016 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастурининг бош мезони қилиб олиш.

Иккинчидан: Вилоятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион фаолиятни янада юксалтириш, юқори илм талаб қилувчи соҳаларни ривожлантиришнинг бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси сифатида қараш.

Учинчидан: Вилоятларда тадбиркорликнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари такомиллаштириш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришни устувор вазифа сифатида қараш ва унга кенг йўл очиб бериш.

Тўртинчидан: Барча йирик корхоналар, давлат корхоналари ва ташкилотлари қошида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, уларнинг мавжуд имкониятларидан унумли фойдаланиш эвазига кўшимча даромад топишга ундаш. Зарур ҳолларда барча воситалардан фойдаланиш.

Бешинчидан: Рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари фаолиятини нормал юритишга қулай шароитлар яратиб бериш ва ноқонуний, рўйхатдан

ўтмай иш олиб боровчилар фаолиятига чек қўйиш. Бу ерда уларга нисбатан зарур бўлса маъмурий ва иқтисодий чораларни қўллаш.

Олтинчидан: Қишлоқ жойларда фаолият олиб боровчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият доирасини янада кенгайтиришга кўмаклашиш, салоҳиятдан тўла фойдаланишни мезон сифатида қараш ва рағбатлантириш.

Еттинчидан: Республикамизда олиб борилаётган стратегик мақсадларни тўла амалга ошириш мақсадида, аҳоли зич ҳудудларнинг алоҳидалик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Ҳозирга келиб, “Кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг молиявий дастаклари, хориж тажрибаси: назария ва амалиёт” ҳақида изланишлар ҳам олиб бормоқдаман.

Мазкур илмий изланишларнинг муҳим натижалари ва истиқболи шундаки, кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётимизни ривожланишида қўшиши мумкин бўлган “ҳисса”си катта эканлиги, ҳали бери фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги ва соҳанинг истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатади.

Илмий изланувчи:

Эргашев С.Д.

Илмий раҳбар:

и.ф.н доцент Исмоилова Н.